

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**

**Имом Бухорий халқаро  
илемий-тадқиқот маркази  
директори**

**Ш.Ю.Зиёдов**

**2022 йил**



**«Имом Бухорий сабоклари» журналини чоп этиш бўйича энг яхши  
таклифларни танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари**

**Самарқанд-2022 йил**

## **II -боб. Иштирокчиларга қўйиладиган талаблар**

### **Мажбурий шартлар:**

а) Тижорат таклифини юборишдан олдин, бажарилиши лозим булган ишлар билан танишиб чиқиши.

б) Хизмат кундузги сменада тақдим этилади.

Корхона штат жадвалида иш тажрибасига эга бўлган ишчилар бўлиши.

в) Малакали ишчиларни ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқлар нусхаларини тақдим этиш.

д) хавфсизлик журналининг нусхасини тақдим этиш

е) шунга ўхшаш техник хизмат кўрсатадиган обьектлар тўғрисида маълумотларни тақдим этиш.

Ҳар ойлик тўлов муддати келганда бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатномага асосан тўловлар амалга оширилади.

Имом Бухорий сабоклари журналини чоп этиш билан боғлик хизматлари бўйича техник топширик.

Ишнинг мақсади :

-Журнални чоп этиш билан боғлик барча хизматларни кўрсатиш;

-Курсатилаётган барча хизматларни ўзининг ишчилари ва ўзига тегишли асбоб ускуналарда амалга ошириш.

Хизмат кўрсатиш ишларининг якуний натижаси:

- Ишларни бажариш муддатлари 01 апрел 2022 дан 31 декабр 2022йилгача

- Ишга қўйиладиган талаблар:

- Бажарувчи томонидан бажариладиган ишлар амалдаги хавфсизлик қоидалари, ёнғин хавфсизлиги, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари талабларига мувофиқ амалга оширилиши керак.

- Иш сифати барча амалдаги талабларга жавоб берishi керак.

Бажарувчи бажарилган ишларнинг малакали меҳнат бошкарувини, шунингдек буюртмачи корхонасида ишларни бажариш учун масъул бўлган ходимларнинг иш тартибига риоя этилишини таъминлаши шарт. Бажарувчи томонидан бажариладиган ишлар корхонанинг фаолиятининг тартибини бузмаслиги керак.

### **Хизмат кўрсатиш хусусиятлари**

- Бажарилиши керак бўлган барча ишларнинг рўйхати буюртмачининг иш учун масъул вакили билан келишилган бўлиши керак.

- Улар тугаганидан кейин барча ишлар Бажарувчининг кунлик журналида акс эттирилади ва ҳар бир чоп этилган журнал учун бажарилган ишлар далолатномаси тузилади, унинг асосида ҳисоварақ-фактура расмийлаштирилади.

- Текшириш журнали ва иш журналини юритиш ва мунтазам буюртмачи масъул ходимга кузатув назорат учун тақдим этиш.

- Иш сифатсиз бажарилган тақдирда барча нуқсонлар ва унинг асоратлари бажарувчи томонидан бартараф этилади.

Бажарувчига қўйиладиган талаблар -Тегишли малакага эга ишчилар ва техник асбоб-ускуналар мавжудлиги. **Эслатма:**

Шартнома бўйича ишларнинг қийматини ҳисоблаш суғурта харажатларини, божхона тўловларини, солиқларни, йигимларни ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш, шу жумладан ишларни бажариш доирасида юзага келадиган барча харажатларни ҳисобга олган холда амалга оширилади.

Ишларнинг нархи техник топширикда, иш жадвалида кўрсатилган барча ишларни уз ичига олади.

## **III -боб. Энг яхши таклифларни танлашда иштирок этиш учун таклифларни бериш тартиби**

3.1. Танлаш таклифи ҳамда иштирокчи ва буюртмачи ўртасида амалга ошириладиган барча тегишли ёзишмалар ва хужжатлар давлат тилида ва заруратга кўра бошқа тилларда тайёрланиши мумкин.

3.2. Танлашда иштирок этиш учун таклифни давлат тилида ва заруриятга қараб, бошқа тилларда тайёрланиши лозим. Бунда хужжатнинг узбек ёки рус тилидаги аник таржимаси тақдим этилиши шарт.

3.3. Иштирокчиларни таклифи матни бир нечта тилда расмийлаштирилиши натижасида матн талқинида тафовутлар юзага келган тақдирда, узбек ёки рус тиллари устунликка эта бўлади.

3.4. Техник хужжатларни инглиз тилида тақдим этилишига ҳам рухсат берилади. Бунда хужжатнинг узбек ёки рус тилидаги аник таржимаси тақдим этилиши шарт.

3.5. Буюртмачи ташлаш иштирокчиларидан харид қилиш хужжатлари ва қўлланилаётган харид қилиш тартиб-таомили юзасидан тушунтириш бериш тўғрисида сурор олганидан кейин сўралган тушунтиришларни икки иш куни ичида тақдим этади.

3.6. Иштирокчи хужжатлар тўпламини <https://xarid.uzex.uz/> электрон манзили орқали топшириши керак.

Тўпламда (техник қисмга оид ва нархга оид таклифлари) бўлиши керак.

3.7. Иштирокчининг таклифи <https://xarid.uzex.uz/> электрон манзили орқали электрон тарзда кабул килинади.

3.8. Иштирокчи:

- тақдим этилаётган ахборот ва хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади;
- факат битта таклиф беришга ҳақли;
- таклифларни бериш муддати тугагунига кадар берилган таклифни қайтариб олишга ёки унга ўзгартишлар киритишга ҳақли.

Таклиф иккита қисмдан ташкил топади:

1) техник қисм буюртмачининг техник талабларига мос бўлиши ва таклиф этилаётган товар (иш, хизмат) ҳақида тўлиқ маълумотни акс эттириши керак;

2) нарх қисми танлаш шартларига мувофиқ бўлиши ҳамда қўйидаги маълумотларни акс эттириши лозим:

- товар (иш, хизмат) тури;
- етказиб бериладиган товар (бажариладиган ишнинг, кўрсатиладиган хизматнинг ойлик) донасини нархи;
- жами қиймати;
- тўлов шартлари;
- таклифни амал қилиш муддати;
- қўшилган қиймат солиги баҳоси ва х.к.

Танлаш таклифи қўйидаги усулда расмийлаштирилади: Электрон тарзда <https://xarid.uzex.uz/> электрон манзили орқали ; техник кием га оид таклиф; нарх қисмига оид таклиф.

Жўнатилган тижорат таклифида қўйидаги маълумотлар кўрсатилиши керак:

- танлаш предметининг номи;
- иштирокчининг номи ва манзили;
- буюртмачининг номи ва унинг манзили;

3.9. Техник қисм таклифида қўйидаги хужжатлар бўлиши керак:

товар ишлаб чиқарувчи ташкилот томонидан берилган ишончноманинг асл нусхаси (агар танлаш иштирокчиси таклиф этилаётган товар ишлаб чиқарувчиси бўлмаса); 26

ушбу харид қилиш хужжатларини 9-иловасидаги шаклга мувофиқ таклиф қилинган маҳсулот учун техник таклиф ва техник хусусиятларига доир талабларнинг қиёсий жадвали;

асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчи ташкилотларнинг Узбекистон Республикасида расмий ваколатли хизмат қўрсатиш марказларининг мавжудлиги тўғрисида хат ёки бошқа хужжатнинг асл нусхаси, манзил ва бошқа алоқа маълумотларини (телефон, факс, электрон почта, веб- сайт) кўрсатган ҳолда;

техник хужжатлар (тақдим этилаётган маҳсулотнинг тўлиқ ва батафсил тавсифини ўз ичига олган рисолалар ёки бошқа хужжатлар).

3.11. Танлаш таклифининг нарх қисми электрон ҳолда ва харид қилиш хужжатларини 10-иловасидаги шаклга мувофиқ нарх таклифи ва нархлар жадвали тақдим этилади.

3.12. Нарх таклифи ва нархлар жадвали муҳр қўйилган ва рақамланган бўлиши керак.

3.13. Харид комиссияси мазкур тартиб талаблари асосида расмийлаштирилган танлаш таклифлари электрон тарзида жўнатилиши, сакланишини ва бир бутунлиги учун жавобгар хисобланади.

3.14. Белгиланган муддат тугаганидан кейин тақдим этилган таклифлар кўриб чиқилмайди.

3.15. Танлаш таклифи харид хужжатларида белгиланган муддат давомида амал қиласди. Иштирокчиларнинг танлаш таклифининг амал килиш муддати танлаш таклифлари тақдим этиш муддати тугаган кундан бошлаб камида 30 кунни ташкил этиши керак.

3.16. Харид комиссияси ганлашда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида бир иш кунидан кечитирмай танлаш бўйича харид килиш хужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор кабул килишга ҳақли. Бунда ушбу танлашда таклифларни тақдим этишнинг тугаш муддати камида уч иш кунига узайтирилади. Шу билан бирга, эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлаш ўтказиши тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади. Товарларни (ишларни, хизматларни) ўзгартиришга йўл кўйилмайди.

3.17. Харид килиш хужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор харид комиссиясининг мажлисларида кабул қилинади.

#### **IV -боб. Иштирокчиларнинг таклифларини кўриб чиқиши ва баҳолаш тартиби**

1.1. Иштирокчиларни нарҳ қисмига оид таклифлари техник қисмига оид таклифлари техник хусусиятларига дойр талаблар мое бўлган камида икки нафар иштирокчининг таклифлари мавжуд бўлган тақдирдагина кўриб чиқилади ва баҳоланади.

1.2. Танлаш ўтказилиши тўғрисидаги эълонда таклифларни қабул килиш муддати тугаганидан сўнг харид комиссияси иштирокчиларни таклифларини кўриб чиқиши ва баҳолаш учун йигилиш ўтказиладиган вактни белгилайди ва бу тўғрисида йигилиш ўтказилишидан камида бир иш куни олдин иштирокчиларни хабардор киласди.

1.3. Агар таклифни киритган танлаш иштирокчиси Узбекистон Республикасининг "Давлат харидлари тўғрисида"ги Қонунида белгиланган талабларга мос келмаса ёхуд танлаш иштирокчисининг таклифи харид килиш хужжатлари талабларига мос келмаса, харид комиссияси таклифни рад этади.

1.4. Баҳолаш пайтида харид комиссияси иштирокчиларидан таклифлари бўйича тушунтиришлар сўрашга ҳақли. Тушунтириш жараёнида таклифнинг моҳияти, шунингдек нархи юзасидан бирор-бир ўзгартиришларга йўл кўйилмайди.

1.5. Танлаш иштирокчилари таклифларини турли валюталарда тақдим этган ҳолларда, баҳолаш жараёнида тақлиф қиймати тижорат тақлифи кўрилган санадаги Узбекистон Республикаси Марказий банкининг ягона валюта курси бўйича қайта хисобланади.

1.6. Арифметик ёки бошқа хатоликлар аниқланган тақдирда харид комиссияси иштирокчиларини хабардор қилган ҳолда, тақлиfini rad этиш ёки келгусида кўриб чиқишининг бошқа шартларини белгилаб беришга ҳақли.

1.7. Чет эллик ва маҳаллий иштирокчиларнинг тақлиf этажтан нархларини обьектив тарзда таққослаш мақсадида баҳолаш жараёнида Узбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўзда тутилган теплили харажатлар хисобга олинади (солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар).

1.8. Танлаш иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиши ва баҳолаш муддати тақлифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан ўн иш кунидан ошиши мумкин эмас.

1.9. Иштирокчиларни тақлифлари жўнатилган техник ва нарҳ қисмига оид тижорат тақлифларини кўриш жараёни буюртмачи томонидан электрон таризда амалга оширилади.

1.10. Танлаш иштирокчиси томонидан тақдим этилган хужжатлардаги ахборотнинг ишончеиз эканлиги аниқланган тақдирда, харид комиссияеи бундай иштирокчини харид килиш тартиб-таомилининг исталган босқичида танлашда иштирок этишдан четлатишга ҳақли.

1.11. Иштирокчиларнинг таклифлари харид кидиш хужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлигини баҳолаш мақсадида харид комиссияеи комиссия аъзолари ва мустакил эксперталардан, тор доирадаги мутахассислардан иборат бўлган ишчи гурух тузишга ҳақли.

1.12. Биринчи босқичда иштирокчи таклифининг техник қисми баҳоланади. Танлаш таклифининг техник қисмини баҳолаш тўғрисида харид комиссиясининг қарори баённома билан расмийлаштирилиб, унда танлашнинг биринчи босқичини баҳолаш натижалари кўрсатилади.

1.13. Келиб тушган таклифлар харид комиссияеи ёки мутахасислар иштирокидаги ишчи гурухи томонидан кўриб чиқилиб, баҳоланиши мумкин. Бунда, ишчи гурухи томонидан баҳолангандага харид комиссиясига хулоса шаклидаги ҳисобот тақдим этилади.

1.14. Харид комиссияеи иштирокчиларни таклифларини харид қилиш хужжатларида белгиланган техник хусусиятларга дойр талабларга мувофиқлигини харид қилиш хужжатларини 11-иловасида кўрсатилган мезонлар бўйича баҳолайди ва биринчи босқичдан ўтган иштирокчилар аниқланади ва бў бўйича харид комиссиясининг қарори баённома билан расмийлаштирилади.

1.15. Танлашнинг биринчи босқичидан ўтган иштирокчилар танлашнинг иккинчи босқичига кўйилади.

1.16. Танлашнинг иккинчи босқичида таклифнинг нархга оид қисми очилади ва баҳоланади. Харид комиссиясининг танлаш таклифининг нархга оид қисмини баҳолаш бўйича қарори баённома билан расмийлаштирилади, баённомада танлашнинг иккинчи босқичи ғолиби аниқланади. Танлашда нархи бошлангич нархдан ошган иштирокчиларнинг таклифлари кўриб чиқилмайди ва баҳоланмайди.

1.17. Иштирокчиларни таклифларини очишда, иштирокчиларнинг номлари, товарларнинг нархи ва таклиф киймати, шунингдек ушбу харид хужжатлари талабларига мувофик, танлаш таклифининг нарх қисмiga оид хужжатларнинг тўлдирилишининг тўғрилиги эълон қилинади.

1.18. Харид комиссияси ғолибни аниқлаш учун рад этилмаган таклифларни харид қилиш хуносаларида қайд этилган мезонлар асосида баҳолашни амалга оширади.

1.19. Харид комиссияеи иштирокчиларни нархга оид таклиfinи харид қилиш хужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлигини харид қилиш хужжатарини 12-иловасида кўrсатилган мезонлар бўйича баҳолайди ва иккинчи босқичдан ўтган иштирокчиларни аниқлайди ва харид комиссиясининг қарори баённома билан расмийлаштирилади.

1.20. Иштирокчиларни техник қисмга оид таклифларини баҳолашда уларнинг

тўплаган баллари 1.70 баравар оширилган миқдорда қўлланилади ҳамда нархга оид таклифларини баҳолашда уларнинг тўплаган баллари 1.40 баравар оширилган миқдорда қўлланилади (харид қилиш хужжатарини 13-иловаси).

1.21. Биринчи ва иккинчи босқич натижаларига кўра харид қилиш хужжатларида ва таклифда кўrсатилган мезонлар асосида ҳамда иштирокчиларнинг тўплаган балларини инобатга олиб шартномани бажаришнинг энг яхши шартларини таклиф қилган танлаш иштирокчиси ғолиб деб топилади.

1.22. Харид комиссиясининг қарори билан танлаш бўйича харид қилиш хужжатларида ва таклифда кўrсатилган мезонларга мувофик ғолибининг таклифидан кейинги энг мақбул таклифни тақдим этган иштирокчи сифатида эътироф этилган захирадаги ғолиб аниқланishi мумкин.

1.23. Таклифларни кўриб чиқиш ҳамда баҳолаш натижалари баённомада қайд этилади. Таклифларни кўриб чиқиш ҳамда баҳолаш баённомасида харид комиссияси таклифларни рад этишнинг аниқ сабаблари кўrсатилган ҳолда рад этилган танлаш иштирокчилари ҳақидаги ахборотларни қайд этади.

1.24. Баённома танлаш ўтказиш бўйича харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади.

## **V -бөб. Энг яхши таклифларни танлаш натижалари бүйича шартнома тузиш тартиби**

6.1. Танлаш натижалари бүйича шартнома харид қилиш ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлаш иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

6.2. Голиб шартнома тузишдан бош тортган тақдирда харид комиссияси томонидан захирадаги голиб аниқланган бўлса, шартнома тузиш ва унга дойр мажбуриятларни бажариш хуқуки захирадаги голибга ўтади. Бунда захирадаги голиб голиб томонидан таклиф этилган нархда (бундан захирадаги голиб таклиф этган нарх голиб томонидан таклиф этилган нархдан паст бўлган ҳоллар мустасно) шартнома тузади ёки шартнома тузишдан бош тортиши мумкин.

6.4. Танлаш натижшгари бўйича шартнома харид қилиш ҳужжатларини 13-иловасида кўрсатилган шаклда тузилади.